



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 150 (11.711)

Баҳоси эркин нарҳда

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

- Нукусда Сапар Хўжаниёзов номидаги ёш томошабинлар театрида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида истиқлол байрамига бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Мазкур тадбирдан асосий мақсад иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрамига бағишланган асосий тадбирларда иштирок этадиган бадий жамоаларни аниқлашдан иборат. Кўрик-танловда барча шаҳар ва туман маданият ва спорт ишлари бўлимларининг бадий хаваскорлик ҳамда болалар, эстрада ва фольклор жамоалари иштирок этди. Улар ижросида она Ватан, истиқлол, ёшликни тараннум этувчи кўшиқлар янгради.

- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат бошқарувида ахборот технологияларини жорий этиш соҳасидаги илгор тажрибани ўрганиш ҳамда икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига бағишланган Ўзбекистон-Жанубий Корея семинари бўлиб ўтди.

- Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг олти ойи якунлари муҳокама қилиниб, 2010 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш дастурининг устувор йўналишлари амалга оширилиши, рақобат муҳитини ривожлантириш ва нархларнинг асосий равишда ошишига йўл қўймаслик масалалари кўриб чиқилди.

- Самарқанд шаҳрида 11-12 ёшдаги маҳалла ўсмирлари ўртасида анъанавий «Футболимиз келажаги» республика турнирининг минтақавий IV босқич гуруҳ ўйинлари якунланди. Беллашуларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ҳамда Самарқанд вилоятининг голиб жамоалари иштирок этди.

- «Уста-шоғирд анъанасини давом эттирган ёш оила» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Энг намунали ёш оила» III республика форуми доирасида ўтказилган ушбу кўрик-танловда кулолчилик, қуроқчилик, тикувчилик, этиқдўзлик, зардўзлик ва дўппидўзлик билан шуғулланаётган ёш оилалар иштирок этди.

**ЖАҲОНДА**

- Ўзининг Европа давлатларига савфари давомида бугун Покистон президенти Асиф Али Зардорий Буюк Британияга ташриф буюрди. У мамлакат бош вазир Дэвид Камерон билан музокаралар ўтказди. Таъкидлаш кераки, ушбу ташриф Буюк Британия Покистонни терроризмни экспорт қилишда айблаётган мураккаб бир шароитда бўлиб ўтмоқда.

- Кеча «Бритиш петролеум» компанияси Мексика кўрфазидagi шикастланган нефть қувурини ёпиш бўйича икки босқичдан иборат янги «Статик кил» операциясини амалга ошира бошлади. Маълумотларга кўра, ушбу тадбир 33 соатдан 60 соатгача давом этиши мумкин.

- Кеча Ливан ва Исроил мамлакатлари чегарасида юз берган ҳарбий можаро натижасида тўртта ливанлик ҳарбий ва бир Исроил офицери ҳалок бўлди. Ҳозирча можаро сабаблари аниқ эмас. Кеча мазкур ҳарбий тўқнашув юзасидан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ёпиқ йиғилиши ҳам ўтказилди.

- Британия ҳукумати мамлакат бюджетини кескин қисқартириш ниятида. Мамлакат бош вазирининг сўзларига кўра, бу қисқартириш Буюк Британиянинг ҳаддан зиёд катта бюджет тақчиллиги — ҳукумат даромадлари ва харajatлари ўртасидаги фарқни қисқартириш учун зарурдир. Ижтимоий соҳа касаба уюшмалари ҳукумат режаларини олқишлаётгани йўқ, бироқ хусусий бизнес вакиллари давлат харажатларини камайтириш лозимлигини таъкидлашган.

- Кеча АКШнинг Коннектикут штатидаги Манчестер шаҳарчасида жойлашган қаҳвахонада қаҳвахона ходими томонидан амалга оширилган отишма чоғида тўққиз киши ҳаётдан кўз юмди, бир неча одам яраланди. Сўнг отишмани амалга оширган ходим ҳам ўз жонига қасд қилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 18 июнь кунни Бухоро вилоятига сафари чоғида Қирғизистонда рўй берган воқеалар муносабати билан берган баёноти ҳамон жаҳон жамоатчилигининг эътиборида турибди.**

**ОҚИЛОНА СИЁСАТ  
 ТАНТАНАСИ**

Қирғизистон онкология марказининг собиқ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Рисбек АБДИЛДАЕВ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга йўллаган мактубида бундай деб таъкидлаган:

«Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, бугун барча соғлом фикрли кишиларнинг бутун диққат-эътибори Сизга қаратилган. Улар Сизнинг фоят оғир ва қалтис вазиятда қатъият ва донолик билан оқилона иш тутганингиздан миннатдордирлар. Сиз амалда қирғизлар ва ўзбекларни, умуман, бутун Марказий Осиё минтақасини катта фожиадан сақлаб қолдингиз. Сиз жасорат билан қабих ниятли террорчиларни тизгинлаб, ҳар икки қардош халқ ганимларининг режаларини фож эдингиз ва амалга ошишига йўл қўймадингиз.

Сиз, мухтарам Президент жаноблари, қирғиз ва ўзбек халқларининг миллий давлатчилигини, мустақиллиги ва келажагини ҳалокатдан қутқариб қолдингиз. Бошқалар эса ўзгача йўл тутди — баъзилар ўзини гўё ҳеч нарсани кўрмаганга солган бўлса, айримлар бекиниб олди ёки сафсатабозлик билан машғул бўлди. Шу фожиали кунларда, ўтган йилнинг ёзидеда Иссиққўл бўйида бўлганидек, дабдабали юбилейлар ўтказганлар ҳам бўлди.

Биз, қирғизлар ва ўзбеклар, ўзгалар ва ўзимизникиларнинг сиёсий ва бошқа иддаоларининг яна бир бор қурбониغا айландик.

Мухтарам Президент жаноблари! Қардош Ўзбекистонга тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз. Мен ҳам алоҳида гуруҳ ва ифтихор билан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий миннатдорлик туйғуларини изҳор этаётган юртдошларимга қўшиламан».

**Араб университетлари иттифоқи Бош котиби Солих ҲОШИМ** Ўзбекистон раҳбариятининг Қирғизистонда рўй берган воқеаларга оқилона ва вазминлик билан ёндашганини қайд этади. Солих Ҳошимнинг фикрича, айнан Ўзбекистон раҳбарининг қатъий позицияси бутун Марказий Осиёда хунрезлик ва тартибсизликларнинг ёйилиб кетишига йўл қўймаган мустаҳкам тўсиқ бўлди.

Араб университетлари иттифоқи Бош котибининг фикрича, Қирғизистонда содир этилган сўнги воқеалар айнан Ўзбекистон Республикаси минтақадаги энг нуфузли давлатлардан бири бўлиб, Марказий Осиёда барқарорлик, хавфсизлик ҳамда фаровонликнинг кафолати экани ҳақидаги фикрнинг тўғрилигини яна бир бор исботлади.

**Миср миллий тадқиқот маркази профессори Магдий МУРСИЙ:**

«Айнан Президент Ислам Каримовнинг оғир-вазмин ва оқилона позицияси тўғрисидаги моҳирнинг кенг ёйилиб кетишига йўл қўйилмади. Қирғизистонда кучли давлат ҳокимиятининг мавжуд эмаслиги ташқи кучларнинг Марказий Осиёда вазиятни издан чиқаришга қаратилган хатти-ҳаракатлари фаоллашуви сабаб бўлди».

**Куала-Лумпур университетининг Метрополитен коллежи президенти Дато ИДРИС (Малайзия):**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қирғизистонда рўй берган воқеалар бўйича берган аниқ ва асосли баёноти Қирғизистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатди, кескинликни юмшатиш ва минтақадаги вазиятни барқарорлаштиришда муҳим омил бўлди.

Бу Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан ўзаро ишонч ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканидан, Ўзбекистон Президентининг Қирғизистондаги воқеалар сабабларини теран аниқлашдан далолатдир. Бу вазиятда Ўзбекистон Президентининг энг юксак тахсилларга сазовор доно ва узоқни кўра биладиган сиёсатчи экани яна бир бор намоён бўлди».

**Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги собиқ элчиси Редзуан КУШАЙРИЙ:**

«Миллатлараро муаммоларни ҳал этиш аҳтиросларни жиловлаб, эҳтиёткорлик ва вазминлик билан иш тутишни талаб қилади. Бундай муаммонинг барча жиҳатлари ҳисобга олинмасдан қабул қилинган қарорлар кескинликни янада кучайтириши, давлатлараро муносабатларга ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қирғизистон жанубида содир этилган воқеалар муносабати билан ўз вақтида берган ҳар томонлама асосли баёноти Қирғизистондаги кескинликни юмшатишга бевосита таъсир кўрсатди, Марказий Осиёда вазиятни барқарорлаштиришда муҳим омил бўлди. Ўзбекистон Президентининг вазиятга тўғри баҳо берди ва бу воқеаларда ўзбеклар ҳам, қирғизлар ҳам айбдор эмаслигини, балки бу минтақадаги вазиятни издан чиқаришдан манфаатдор бўлган қабих ниятли учинчи кучларнинг кирдикори эканини таъкидлади».

(Давоми 2-бетда).

**ПОЙТАХТНИНГ  
 БИР КУНИ**



Пойтахтимизнинг ҳудуди ва аҳолиси жиҳатдан энг катта туманларидан бўлмиш Сергелига бундан олти-етти йил илгари келган киши ногаҳон бугун уни танимай қолади.

**СЕРГЕЛИ ТУМАНИ:**

**ЯШАРИШ ВА  
 ЯНГИЛАНИШ  
 ЙЎЛИДА**



Гўзал, бетакрор, мухташам бинолар, салобатли кўприқлар, жаҳон андозалари даражасида қад ростлаган таълим ва тиббиёт масканлари, бахтли болаликнинг шўх-шодон қийқириқларига тўлган спорт мажмуалари, қулай ва раvon йўллар ақлингизни шоширади. Хар бир қадамда кичиким каттами инсон кадр-қимматини эъозлаб яратилган қулайликлардан баҳри-дилнингиз очилади.

Сергели тумани аҳолиси айни кунларда энг улуг, энг азиз Мустақиллик байрамининг 19 йиллигини муносиб кутиб олиш ниятида бор куч-ғайратини маҳаллаю кўчаларни обод қилиб, корхона-ташкilotларда модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш, инвестиция лойиҳаларини изчил амалга оширишга қаратган.

Бугунги кунда туманда 11 та йирик, 520 дан зиёд кичик корхона ва икки мингдан кўп микрофирма фаолият юритмоқда. Шулардан 150 таси хорижий ҳамкорлар би-

лан ташкил этилган корхона ва ташкilotлардир.

2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,2 фоизга, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш — 118,2 фоизга, жалб этилган инвестициялар ҳажми 119,4 фоизга, пудрат ишлари — 134,3 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 110,6 фоизга бажарилган. Деярли 24 миллион долларга тенг маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинган.

«Бандлик» дастури доирасида қўшимча чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда 5755 та янги иш ўрни яратилган. Туманни айланиш жараёнида қўламини кенг бунёдкорлик ишлари билан танишиб қайратландик, меҳнат завқи, тинч, осуда ҳаёт, бағрикенгликдан ҳаловат толган чехралар, дориломон кўнлар шукронасига дуога қўл очган пиру бадавлат отахон-онахонлар билан суҳбатда бўлдик. Амин бўлдикки, яратиш, яшатиш ишқидан масрур диллар байрамни шодмонлик билан кутиб олишга тайёр. Мана шу шижоат, кўтаринки руҳ сергелиликларни асло тарк этмасин.

(Сергели туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).

**СИФАТЛИ ЛОК-БЎЁҚЛАР**

**Лок-бўёқ маҳсулотларига бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётган бугунги кунда талаб юқори.**

«Rezalit Color» масъулияти чекланган жамиятида ҳам лок-бўёқ маҳсулотлари, қуруқ қурилиш қоришмалари, елим ишлаб чиқарилади.

Корхона ўзининг қисқа фаолияти давомида ички бозорда ўрин топди. Кўплаб йирик қурилиш ташкilotлари асосий буюртмачилар сирасига кирди.

Цехларимизда замонавий дастгоҳлар самарали ишлаб турибди, — дейди корхона директори Авазбек Каримов. — Ўтган йилда 1,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмаларни сифатли адо этган бўлсак, жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмининг бир неча баробарга ошириш нияти-дамиз. Маҳсулотларимизни қишлоқлардаги замонавий уй-жойлар қурилиши майдонларига етказиб беришни мақсад қилганмиз. Ўтган йилда 19 хил-

даги лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлсак, жорий йилда замонавий технологияларни қўллаб, уларнинг турларини яна орттириб бораёلمиз.

Корхонада кейинги уч йилда ишчи-хизматчилар сафи ҳам тўрт-беш баробарга ортди. Уларга етарли шароитлар яратилмоқда. Шуниси эътиборлики, корхонани янги технологик дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилган.

Жорий йилда иккита эмаль бўёғи ишлаб чиқариш ва қадоклаш цехлари ишга туширилади. Бу маҳсулот турларини кўпайтириш баробарида яна ўнлаб иш ўринлари яратилишида муҳим ҳисса бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА

**ҚИСКА  
 САТРАРДА**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 144-мактабда Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан анъанавий август кенгашлари олдида «Сифатли таълим — етуқлик асоси» мавзусида икки кунлик семинар ташкил этилди.


✓ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида «Маҳалла» жамғармаси томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида «Маҳалла кўни» тадбири моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туманида «Оила — муқаддас кўрғон» мавзусида ўтказилган тадбирда маҳаллалар фаоллари, ёшлар, туман ФХДЭ бўлими ходимлари иштирок этишди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Бектемир тумани бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Музейларга ташриф» лойиҳаси доирасида туман ёшларининг бир гуруҳи Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ:

## ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА



## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

«Алоқа банк» ОАЖ ўз маблағлари ҳисобидан туман ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган троллейбусларни таъмирлаш заводи негизда 2,5 миллион долларга тенг инвестиция киритишни ва шу орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган «Сергели хўлмева-сабзавот» корхонасини ташкил этишни режалаштирган. Бўйи келиб ўшбу лойиҳа бўйича банк ва «Ташагроинвест» МЧЖ ўртасидаги келишувига асосан 1,2 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган. Корхона 12 минг 750 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш қувватига эга бўлади, бу ерда 100 та янги иш ўрни яратилади. Фойдаланишга 2010 йил декабрь ойида топширилиши режалаштирилган.

«Донг Сонг Корея» ҚК томонидан жорий йилда автомобилларга эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги корхона ишга туширилиши режалаштирилган. Шунда қўшма корхона томонидан жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий миқдори 1,9 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Утган йил давомида 1,1 миллион АҚШ долларига тенг сармоя тўлиқ ўзлаштирилган бўлса, 2010 йилнинг учинчи чо-

раги давомида кўзда тутилган қолган инвестициялар ҳам амалда ўз ифодасини топади. Янги корхона фойдаланишга топширилиши билан 70 та янги иш ўрни яратилади.

«Асл ойна» ОАЖ қўшимча янги хом ашё цехини ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг учинчи чораги давомида ўз маблағлари ҳисобидан 285,6 минг АҚШ доллари ва маҳаллий банкларнинг кредитлари орқали 133,4 минг АҚШ доллари ҳисобидан инвестициялар киритишни ва 50 та янги иш жойларини яратишни режалаштирган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 12 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилди. Маиший шохобчалар ишга туширилиши, шубҳасиз, аҳолига энгилликлар яратиш, узоғини яқин қилади, вақтини ҳам анча тежайди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан беш йил давомида кам таъминланган оилаларнинг деярли уч мингга яқин фарзанди учун суннат тўйлари ўтказиб берилди. Баркамол авлод йилида 70 нафар болажоннинг суннат тўйлари ҳамда 8 жуфт ёшнинг никоҳ тўйлари «Бахт-диёр» тантаналар уйида ҳар бир кўнгилга байрам шодийнаси улашилган ҳолда бўлиб ўтди.



**«Халқобод» маҳалласида болажонларнинг шўшодон қийқириқларидан кўнглимиз кўтарилди. Айниқса бу ердаги ўзига хос услубда яратилган болажонлар боғини кўриб, лол қолдик. «Баркамол авлод» дам олиш оромгоҳида худди эртақлар шаҳарчасига кириб қолгандек ҳис қилдик.**

## «БАРКАМОЛ АВЛОД» БОФИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

«Анвойи» гуллардан тортиб, турфа хил эртақ қахрамонлари буй чўзиб турган ушбу маскандаги болажонлар учун яратилган шартшароит ва қулайликлар ҳар қандай диди нозик инсонга ҳам маъқул тушиб, беихтиёр даврага қўшилишига туртки бўлади.

Маҳалламизда 4,5 мингга яқин турли миллат вакиллари тинчлик-хотиржамликда, хайрли мақсад билан яшаб келмоқда. Маҳалладошларимизнинг деярли 40 фоизини ёшларимиз ташкил этади, — дейди «Халқобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Гулшода Суярова. — Фарзандлари-

нинг буш вақтини мазмунли ўтказишга асосий эътиборни қаратганмиз. Ҳавас билан боқиб турган боғимиз ўрни яқинида тош-шағаллар билан тўлиб ётган майдон эди. Туман ҳокимлиги ташаббуси ва бевосита бошчилигида қисқа фурсатда мана шу гўзал боғ бунёд бўлди. Бундан қўшни маҳалла болаларидан тортиб, биз, катталарнинг ҳам боши осмонга етди.

Айтиб ўтиш жоизки, яқинда туман ҳокимлиги вакиллари Қўқон шаҳрида бўлиб, маҳаллий ҳокимият мутасаддилари билан биргаликда худди шундай «Халқобод» маҳалла-

сида қад ростлаган боғнинг эгизагини яратишда бевосита ташаббус кўрсатишди. Қизғини шундаки, ушбу боғда яйраб-яшнаб дам олаётган, эртақлар оламида ўзларининг эзгу ҳисларини ўртоқлашиб, қахрамонлари билан сирлашаётган қўқонлик болажонлар Сергели тумани ҳокимлигига миннатдорчилик мактубини йўллашди.

Туман статистика бўлимидан олинган маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, Баркамол авлод йилида мавжуд 205 та болалар майдончаси таъмирланиб, 40 та янгиси барпо этилади.

**Туман ҳокимлиги ташаббуси билан аҳолини тадбиркорликни бошлаш учун зарур бўлган борча маълумотлар билан таъминлаш, бу борада ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида «Ягона ойна» маркази ташкил этилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилати Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширилган ушбу лойиҳа давлат хизматларини интерфаол тарзда тақдим этади.**

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, марказ очилишидан аввал уч тарафлама имзоланган меморандумга асосан вакиллари Вьетнам давлатининг пойтахти Ханой ва Хошимин шаҳарларига хизмат сафари уюштирилиб, «ягона ойна» маркази иш фаолияти ўрганилди. Дарҳақиқат, Вьетнамда бу борада ортирилган тажриба кенг ёйилишига лойиқ. Меморандум иштирокчилари бу ерда қўлланилаётган ахборот-коммуникатив технологиялар тўғрисида маълумот олиб, марказнинг қонуний асослари ҳақида ҳам фикр алмашишди.

Сергели туманида жорий йилнинг апрель ойида фаолият бошлаган ушбу марказда айни кунларда танлов асосида қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий масалаларда чуқур билимга эга мутахассислар аҳолига тезкор хизмат кўрсатмоқда.

Шу билан бирга ёш мутахассислари ҳам иш билан таъминлаш мақсадида тегишли бўлимларга олий ўқув юрти битирувчилари, юқори босқич талабалари бирикти-

рилди, — дейди марказ бўлими бошлиғи Феруза Базарова. — Эътибор-

Чиптада «ойна» ва навбат рақамлари кўрсатилган бўлиб, кутиш жойи-

## ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

**«ЯГОНА ОЙНА» — ТЕЗКОРЛИК ГАРОВИ**  
Аҳолига хизмат кўрсатишда янгича ёндошув

лиси, шу ернинг ўзида ўқув маркази ҳам ташкил этилди. Фаолиятимизни янада аниқроқ қилиб тушунирадиган бўлсак, марказга келаётган аҳолини махсус ходим кутиб олади. Ҳар бир фуқаро қизиқтирадиган саволларига маълумотнома бўлимидан ахборот олади, сўнг «сенсор» бўлимига ўтиб, таблодаги ўзини қизиқтирувчи хизматни танлайди ва навбат талонини олади.

да махсус монитор орқали навбатни кузатиб бориш мумкин. «Ойна»да интерфаол ва маслаҳат-ахборот услубида хизмат кўрсатилади.

Ҳозирда марказ ижтимоий таъминот, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, мулк ва ер кадастри, комму-

нал хизматлар кўрсатиш каби ҳар хил хизматларни кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, марказ қошида давлат божи, солиқ, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга ошириш учун «Алоқа» банки шохобчаси ҳам мавжуд. Ўз ўзига хизмат кўрсатиш «ойна»сида компьютер билан ишлашни билган аҳоли ва тадбиркор ўзига керакли маълумотни ёки ҳужжатлар тўғрисида олиши мумкин. «NORMA» дастури орқали меъёрий ҳужжатлар билан танишиш имконияти ҳам яратилган. Утган қисқа вақт ичида марказда уч мингдан кўп фуқаро ва тадбиркорларга хизмат кўрсатилгани эътиборга лойиқдир.

Шу ўринда яна бир янгиликни айтиб ўтиш жоиз. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг навбатдаги йиғилишида Сергели туманида биринчилардан ташкил этилган «Ягона ойна» маркази тажрибаси юқори баҳолашиб, эндиликда бундай шароитларни республика бўйича яратиш таклифи киритилди.

Дарҳақиқат, «хайрли ташаббуснинг каноати бўлади», деган нақл бежизга айтилмаган. Истардикки, хайрли мақсадга қаратилган ушбу ташаббус тез кунда оммалашиб, ўзининг яхши натижаларини беради.

## ОҚИЛОНА СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқаро рассомлар уюшмалари конфедерацияси Ижроия кўмитаси раиси Масут ФАТКУЛИН (Россия):

«Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар барчани қаттиқ ларзага солди.

Ўзбекистон раҳбариятининг қарори билан ўн минглаб қирғизистонлик қочқинларнинг Ўзбекистон ҳудудида қабул қилиниб, жойлаштирилгани — юзага келган вазиятдаги ягона тўғри қарор бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Қирғизистон жанубида содир этилган воқеалар муносабати билан билдирган аниқ-равшан фикрлари гоё тўғри ва асослидир. Ўзбекистон раҳбарининг «Ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бунга айбдор эмас. Бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган кўпуровчилик ҳаракатидир. Бу кўпуровчиликни уюштирган кучларнинг нияти Ўзбекистонни ҳам бу қарама-қаршиликка тортишдан иборат бўлган», деган сўзлари мутлақо тўғридир.

Ўзбекистон Президентининг «бугунги кунда ўзининг кадр-қиммати, гуруҳ ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва жамиятигина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади. Ўз кучига ишонган, келажаги буюк халқнинг бағри кенг бўлади. Халқимиз доимо бошқаларга бағрини очиб, ҳамдард бўлиб келган», деган сўзлари унинг донолиги ва узоқни кўра билишидан далолатдир.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги энг барқарор давлат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар буни яна бир бор тасдиқлади».

«Жаҳон» АА

## Иқтисодийёт

## ХАРИДОР ТАЛАБИНИ ҚОНДИРАДИ

Шуни мамнуният билан айта оламизки, мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор барча соҳалар қатори, айниқса мебелсозликда ўзининг юксак самарасини берди.

Ҳақиқатан ҳам маҳаллий мебелсозларимиз яратган бири-бирдан кўрақ маҳсулотлар харидорлар талабини қондириб, хонадонларга файз бағишламоқда, буюртмачиларга манзур бўляпти. «Inter Farm» ишлаб чиқариш корхонасида корхона ва ташкилотлар учун офис жиҳозлари, ошхона учун ва юмшоқ мебель турлари тайёрланади. Уларнинг дизайнига қаратилган эътибор, мустақамлигини таъминлаш харидорлар сафининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Илк фаолиятимизни мебель маҳсулотларини таъмирлашдан бошлаганмиз, — дейди корхона директори Елена Галимова. — Ҳозирги кунда бозорни ўрганиш, харидор талаб ва таклифидан келиб чиқиш асосида 100 дан ортқ турдаги офис, юмшоқ ва ошхона мебеллари ишлаб чиқараямиз. Йиллик айланма маблағ ҳажми 500 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Айни пайтда корхонада 10 нафардан зиёд малякали мебелсоз меҳнат қилиб, маҳоратли ва изланувчан дизайнерлар янги маҳсулот турларини яратмоқда, илгор техника ва технологиялардан фойдаланилмоқда.

Корхонада жорий йил охиригача ёшлар учун янги иш ўринлари очишни мақсад қилган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, махсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш учун янги ускуналар келтириш саъй-ҳаракати бошланган. Бу ерда жиҳозларни металл қаркас ҳамда пластикдан тайёрлашни йўлга қўйиш режалаштирилган, юмшоқ мебель турларини кўпайтириш ҳам кўзда тутилмоқда.

## МАҲОРАТЛИ УСТА

Хунар шундай ажойиб ва давомли нарсаси, у аждодлардан авлодларга ўтиб, ўз нуфузини йўқотмайди, балки ижодий ривожланиб, янада сайқал топади.

Ёғоч ўймаkori Муҳаррам Ибрагимова ҳам ўнлаб шоғирдлар етиштирган бўлиб, улар орасида Ботир Мавлоновнинг муносиби ўрни бор. Устозидан сабоқ олган ёш уста ўзининг бетакор буюмлари билан кўпчиликини мафтун этиб келмоқда.

Хунар, хунардан ризқинг унар, деган нақлга амал қиламан, — дейди Ботир Мавлонов. — Тўққиз йилдан буён ёғоч ўймаkoriлиги билан шугулланаман. Миллий кўринишдаги кўплаб бинолар, музейлар учун эшиклар ясашда иштирок этганман. Ҳар йили ўнлаб янги маҳсулот турларини яратаман. Миниатюра йўналишида ҳам ишлайман. Ота-боболаримизнинг эъзозли ишини давом эттирадиганмиз, миллий хунармандчиликка озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан гуруҳланаман.

Ботирнинг маҳсулотлари Россия, АҚШ, Қозоғистон, Қирғизистон сингари давлатлардаги халқаро ярмаркаларда эътироф этилган. У «Навқирон Ўзбекистон» кўрик-танловида иштирок этиб, совриндор бўлган. Ёш уста Муродил Зарипов, Азиза Саидова сингари шоғирдларидан умиди катта. Улар ҳам келгусида ёғоч ўймаkoriлиги ривожига албатта ўз ҳиссасини қўшади.

Шарофат БАҲРОМОВА





Шундай мусобақалардан бири 249-мактаб қошида ташкил этилган ёзги дам олиш болалар оромгоҳида стол тенниси, шахмат, шашка, эстафета бўйича ўтказилди. Беллашувда 70 нафар ўқувчи қатнашиб, галаба учун қизгин кураш олиб борди.

Стол тенниси бўйича қизлар ўртасида ўтказилган мусобақада Ирода Раҳимова, Ҳабиба Турсунова, Фарангиз Комилжоновалар голиб чиққан бўлса, ўғил болалар баҳсида Жаҳоҳирхон Расулов, Бекзод Абдураҳимов, Салоҳиддин Ҳалиловлар голибликни қўлга киритишди.

Шахмат турнирида Асилбек Абдуқаҳҳоровга тенглашадиган рақиб топилмаган бўлса, шашка мусобақасида Нозима Баҳодирова, Барно Юнусова, Зиёда Соатовалар фахрли ўринларни қўлга киритишди.

Эстафета бўйича мусобақа гуруҳлар орасида ўтказилиб, унда 8-гуруҳ иштирокчилари бошқалардан ҳар

Ёз — ўтмоқда соз

## ЧАҚҚОНЛАР ГОЛИБ БЎЛДИ

**Собир Раҳимов тумани хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, халқ таълими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бўлимлари ҳамкорлигида 133, 146, 242- ва бошқа бир қатор мактаблар қошида очилган ёзги дам олиш оромгоҳларида спорт мусобақалари ўтказилди.**

томонлама устунлигини кўрсатди.

— Ўтказилган мусобақа оромгоҳдаги дам олувчиларда катта таассурот қолдирди, — деди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Собир Раҳимов тумани бўлими мутахассиси Рустам Камалов. —

Мақсадимиз эса спортни ёшлар орасига олиб кириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, таътил кунларини мазмунли ўтказишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Шоҳиста МАХМУДОВА

## Спорт янгиликлари

Ўтган йилги мавсумни Қозоғистоннинг «Локомотив» клуби сафида ўтказган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ ҳужумчиси Максим Шацких айни кунларда яна Украинада.

### ШАЦКИХ ЯНА УКРАИНАДА

Гап шундаки, бир вақтлар Киевнинг «Динамо» клубида муваффақиятли тўп сўрган, киевликлар сафида бир неча марта Украина чемпиони ва тўпураги бўлган Максим кейинчалик Қозоғистон чемпионатида иштирок этди. Аста-секин яна ўз спорт формасини тиклаб бораётган ҳамюртимизга Украинанинг «Арсенал» клуби раҳбарияти қизиқиш билан қараётган бўлади. Ҳув-ийгин

машғулоти яқинда эса «Арсенал» мураббийлари Шацкихни ўз жамбалари сафида кўриш истагида эканлигини яшириб ўтирмади. Эндиликда Максим «Арсенал»да ҳужумчи сифатида тўп сурмоқда. Куни кеча Донецкнинг «Шахтёр» ҳамда «Арсенал» жамоалари ўртасидаги чемпионат баҳсида ҳамюртимиз майдонда 90 дақиқа ҳаракат қилди.

### ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ГАЛАБА

«Жар» стадионида йирилган мухлислар «Бунёдкор» — «Насаф» жамоалари ўртасидаги мамлакат XIX миллий чемпионатининг қолдирилган бешинчи тур учрашувини томоша қилишди.

Иккинчи давра бошланишида «Бунёдкор» жамоаси ҳамон чемпионликка асосий даъвогар эканлигини исботлади. 90 дақиқа мобайнида яққол устунлик қилган Миржалол Қосимов шогирдлари 5:0 ҳисобидаги ажойиб галабани қўлга киритди.

Шу кун мухлислар Карпенко, Денилсон, Ристичларнинг чиройли голлари гувоҳи бўлди. Ристичнинг рақиб дарвозасини уч марта аниқ нишонга олиб, «хет-трик»ка эришиши футболчининг айни вақтда яхши спорт формасида эканлигини исботлайди.

Ёзнинг жазирама кунларида кимлардир тоғ бағрида дам олса, бошқалар истироҳат боғларига ошиқади. Болажонлар эса чўмилишни хуш кўради.

Чўмилиш ҳавзаларига борган яхши. Чунки сузиш инсоннинг жисмонан бақувват бўлишига, саломатлиги яхшиланишига ёрдам беради. Аммо... Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Кўпчилик ёшлар, ҳатто катталар ҳам кўпинча чўмилиш тақиқланган сув ҳавзаларига ёки суви ифлос анҳорларга боради. Камдан-кам одам чўмилиш учун мўлжалланган маҳсул сув ҳавзасига боради. Наҳотки чўмилиш ман этилган ҳовуз ёки анҳорга бориш соғлик

учун зарарли эканини тушуниш шунчалар қийин синча, ўша ҳудуддаги иқлимни мўтадиллашти-

## Чўмилиш фойдали, БИРОҚ...

бўлса? Бундай яроқсиз сув ҳавзаларида чўмиладиганда, турли хил юқумли касалликларга чалиниш хавфи кучли бўлишини ҳамма билади.

Шаҳар марказида кетаётган, фаввораларда чўмилётган болажонларга кўзим тушиб қолди. Ахир фавворалар чўмилиш учун эмас, ак-

риш, ён-атрофга соя-салқинлик, гўзаллик бахш этиш учун қурилган-ку. Қолаверса, фаввора турли хил темир мосламалардан қурилади. Бу ерда чўмилишни хоҳлаган бола бирорта темир мосламага қоқилиб ёки боши билан йиқилса, нима бўлади? Қизилга, шаҳар марказига келаё-

тган болаларни ота-оналари нега назорат қилмайди? Бундан ҳам галати бир ҳолат ҳар ёз фаслида такрорланади. Кўпчилик ёзда пойтахт

хотиما топганига гувоҳ бўлаемиз, эшитамиз. Бу ҳақда матбуотда мақолалар ҳам эълон қилинади. Лекин...

Хулоса ўрнида шуни яна бир қарра таъкидлагимиз келди. Болажонларимизнинг сув спорти билан шуғулланишига имкон яратайлик. Рухсат берилган сув ҳавзаларида чўмилиш сирларини фарзандларимиз малакали мураббийлар қўлида ўргансин. Бунинг учун келажагимиз ворисларидан иқтисод қилмайлик. Шуни ҳам унутмайликки, ҳар жабҳада ёшларга аввало ўзимиз ўрнак бўлишимиз лозим.

Анвар ВАЛИЕВ

### «БУНЁДКОР»ДА ЎЗГАРИШ

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари иккинчи давра бошланиши арафасида трансфер ишларига зўр бермоқда.

Жорий йилда ҳам мамлакат чемпиони бўлишга аҳд қилган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» жамоасининг моҳир футболчилари Хайрулло Каримов ва Шавкат Саломовлар иккинчи даврада «Насаф» командаси шарафини ҳимоя қилишади. «Насаф»га ижарага берилган ушбу футболчилар ҳисобига қаршиликлар эндиликда нафақат «Пахтакор»га, балки «Бунёдкор»га ҳам жиддий қаршилик кўрсатиши, ҳатто чемпионликка даъвогарлик қилиши мутахассислар томонидан тахмин қилинмоқда.

Куни кеча «Бунёдкор»нинг иқтидорли ярим ҳимоячиси Жасур Ҳасанов ҳам жамоани тарқ этди. Эндиликда Жасур Осиевнинг энг кучли клубларидан бири «Ал-Ваҳда» шарафини ҳимоя қилади. «Бунёдкор» жамоасининг моҳир ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров эса Жанубий Корея чемпионатида омадини синаб кўради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимизда таэквондонинг ITF йўналиши бўйича 11-16 ёшли ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бошланди.

### ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон таэквондо миллий ассоциацияси томонидан ёшларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, улар орасида спортни янада оммалаштириш, терма жамоа захирасини тўлдириш мақсадида ташкил этилган мусобақада 200 нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашмоқда.

2008 йил Тошкент шаҳрида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзолари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 2009 йил Санкт-Петербургдаги жаҳон чемпионатида иккита кумуш ва битта бронза медалга сазовор бўлди.

Таэквондочиларимиз жорий йилда Қозоғистонда ўтказилган Осиев чемпионатида битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза, Италияда яққулараш спорт турларининг W.A.S.C.O йўналиши бўйича ўтган жаҳон чемпионатида учта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритди.

«Миробод» спорт мажмуаси мезбонлик қилаётган мамлакат чемпионатида ёш спортчилар массосига — яққамма-яққа беллашув, тиль — комплекс машқлар бўйича маҳоратларини намойиш этмоқда.

Мусобақанинг дастлабки куниди 11-14 ёшли спортчилар ўртасида пойтахтлик Д.Иброҳимов, А.Янгибоев, Ж.Рустамбеков, М.Султонжўраев, Н.Усмонов, Тошкент вилоятидан Д.Ирисбоев, фарғоналик А.Исмоилов, Ж.Шокиров, бухоролик С.Ҳалимов голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Байрам АЙТМУРДОВ,  
ЎЗА муҳбири



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

Нафъ текур элга чу  
абри баҳор,  
Сунбулу райҳон киби  
бўл мушқбор.  
\* \* \*

Бўлма ёмон киши киби  
худпараст,  
Яхшилиқ эт барчага  
етганча даст.  
\* \* \*

Яхши ёмондин киши  
ҳар не қилур,  
Гардиши даврон эвазин  
еткурур.  
\* \* \*

Шамки парвонага  
қилди ситам,  
Ёнди ўзи охири сар то қадам.  
\* \* \*

Одамдин қолса керак яхши от.  
\* \* \*

Кимки, ёмонликга  
далолат этар,  
Нест бўлур, ному нишони  
битар.  
\* \* \*

Нафсу ҳаво илгинда  
бўлма асир,  
Кеч бу ҳаваснинг бошидин,  
эй фақир.  
\* \* \*

Кимники, кўрсанг сен ани  
Ҳизр бил,  
Хизматини жону кўнгул  
бирла қил.  
\* \* \*

Барчани ортуқ кўру  
ўзунгни кам  
Ким, бу турур роҳи  
фанову адам.  
\* \* \*

Роҳи талаб устида чун хок бўл,  
Чашма сифат софдилу пок бўл.  
\* \* \*

Маҳрам эсанг, воқифи  
асрор бўл,  
Гул била гул, хор била хор бўл!  
\* \* \*

Йўлга таваккул  
била ургил қадам,  
Мулки қаноатда  
кўтаргил алам.  
\* \* \*

Ҳар нечаким бўлса  
баланд ҳимматинг,  
Ҳимматингга лойиқ  
эрур қисматинг.  
\* \* \*

Гўйи саодатдин олур ул киши,  
Бўлса чу чавгон сари  
таслим иши.  
\* \* \*

Ўғуз олиб, сотма  
оғир суд учун,  
Кирма азоб ўтина беҳбуд учун.  
(«Маҳобҳорат» достонидан)  
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ

Манзилми: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65, факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2765 нурхал босилди.  
Қоғаз ёғилми А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича  
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига  
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси  
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.